

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF  
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**THE MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT REGIONAL PUBLIC EDUCATION SPECIALISTS PREPARATORY  
AND REFRESHER COURSES INSTITUTE**

**SEOUL NATIONAL UNIVERSITY OF EDUCATION OF THE REPUBLIC OF  
KOREA**

---

---

**THE ORGANIZATION OF INNOVATIVE  
ACTIVITIES OF THE TEACHERS:  
PROBLEMS AND SOLUTIONS**

*Collection of scientific articles*

Хулоса қилиб айтганда, шахс камолотининг муҳим омили бўлган ўспириналарнинг ташкилотчилик қобилиятлари ва имкониятларини ўрганиш ҳамда рўёбга чиқариш мураккаб педагогик-психологик муаммо бўлиб, у мунтазам изланишин талаб этади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Давлетшин М.Г., Дўстмуҳаммедова ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. Ўкув методик қўлланма. -Т.: 2004.
2. Камилова Н.Ғ. Муаммоли ўсмир: ташхис, тадқикот методлари.-Т.: 2004 – 67 б
3. Фозиев Э.Ғ. Психология: (Ёш даврлар психологияси). Ўкув қўлланма. –Т.: “Ўқитувчи”, 1994, -224 б.

## ОИЛА БАРҚАРОРЛИГИДА ПСИХОЛОГИК МОСЛАШУВНИНГ ЎРНИ

*АРАПБАЕВА Д.К.*

ТВХТХҚТМОИ “Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедраси  
катта ўқитувчиси, психология фанлари номзоди

*Аннотация:* Мақолада оиласий тизим, унинг функциялари, хусусиятлари, оила супертизмнинг турли элементлари ҳақида фикр юритилади.

*Таянч иборалар:* оила, тизим, функция, хусусият, оила супертизми.

Оила ва никоҳ муаммосига қизиқишилар доим барқарор ва оммавий бўлиб келган. Жамият учун мазкур ижтимоий институтларни билиш ва улар ривожланишини йўналтириш масаласи биринчи даражали аҳамиятга эга.

Никоҳ – бу аввали эр-хотинлик ижтимоий ролларини қабул қилиш бўлиб, қоидага кўра янги оила ота-она оилаларидан бирининг худудида яшай бошлиши, оилага янги инсоннинг кириб келиши билан характерланади. Оиласий ҳаётнинг бошланғич босқичи умумий тасаввурларга кўра оила ривожланишининг энг ёқимли босқичи хисобланади. Турмуш қураётган ёшларнинг аксариятида худди ана шундай установкалар мавжуд бўлади. Лекин бу босқич давомида эр-хотинлар ҳиссиятларининг жадаллиги ўзгаради, келин-куёвлар ва уларнинг генетик оилалари билан фазовий ҳамда психологик масофа ўрнатилади. Табиийки, бу вазифалар осонликча ҳал бўлмайди.

“Мослашув” термини кенг маънода атрофдаги шароитларга мослашув сифатида тушунилади. Бунда ижтимоий мослашувчи инсоннинг маълум биоижтимоий функциялар – атроф-мухит ва ўз организмини адекват идрок этиш, атрофдагилар билан муносабатлар ва муомаланинг адекват тизими, меҳнатга, таълим олишга, бўш вактини мазмунли ташкил этишга, ўзгаларнинг ролли кутилмаларига жавобан хулқ-атворини ўзгартириш ёки мослаштиришни амалга ошириш имкониятини акс эттирувчи интегратив кўрсаткичлари назарда тутилади. Оила-никоҳ мослашувига юқорида гиларнинг барчаси тааллукли.

Оиласий ҳаётнинг бошланғич босқичида ўзаро мослашиш, янги қариндошлар билан муносабатлардаги қийинчиликлар, ижтимоий-ролли кутилмаларга жавобан хулқ-атвор стратегияларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммолар бўлиши мутахассислар томонидан эътироф этилади.

Ҳар қандай оиласий тизим ўз тузилмаси, функциялари, ривожланишига кўра маълум хусусиятларга эгадир. Мувозанатлашган оиласий тизим ундаги тизимостига кирувчи барча аъзолар эҳтиёжларини кондиришни таъминлашга қодир бўлади. Бундан ташқари оила супертизмнинг турли элементлари, яъни унинг учун аҳамиятли бўлган социум вакиллари билан ўзаро таъсирга кириша олиши зарур. Ҳар бир инсон турмуш қуарар экан, оила тизимига оиласий муносабатларни қандай қуриш ҳақидаги ўз тасаввурлари ва кутилмаларига эга бўлган ҳолда кириб келади. Никоҳ инсон ҳаётидаги туб бурилиш воқелиги сифатида шахс

ривожланиш вазиятини ўзгартириб юборади ва роллар алмашинуви, ўзаро таъсирга киришувчи атрофдаги одамлар доирасининг ва умуман инсондаги “Мен” образининг ўзгариши билан характерланади. Мазкур вазият ҳар қандай инсонда янги тизим нормалари ва қадриятларига мослашувни талаб этади.

Бир қатор мутахассислар фикрича, психологик мослашув социумдаги нормалар ва қадриятларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. У ўзаро таъсирда, жумладан атрофдаги одамлар билан муомалада ва актив фаолиятда намоён бўлади. Оиласа мослашув ҳам ўз ичига юқоридаги компонентларни қамраб олади ва оиласиб ҳаёт билан танишув, унга аста-секинлик билан кириб бориш жараёни сифатида бошланади. Янги тузилган оиласа бир қатор моддий, психологик, ижтимоий-психологик характердаги қийинчиликлар ва муаммоларни енгишга тўғри келади. Оила-никоҳ мослашув жараёни канчалик самаралилигига қараб, ёш оиласининг барқарор ёки бекарорлиги ҳақида холоса чиқариш мумкин. Мослашув самарадорлиги эса бир қанча омиллар - ижтимоий мухит шароитлари ва талаблари, инсоннинг мулоқотмандлик, ҳамкорлик, кооперация, ҳамдард ва ҳамнафас бўла олиш қобилиятига, ўз ҳиссиётлари ва эмоцияларини назорат қила олиши ҳамда эр хотинларнинг кундалик стрессларни енга олиш малакасига боғлиқ бўлади.

Оила-никоҳ мослашувининг ҳал этилиши тўғридан-тўғри эр хотинларнинг бир-бирларига мос келишига ҳам боғлиқ. Тадқиқотчилар томонидан нима бирламчи - мослашувми ёки эр хотинларнинг бир-бирига мутаносиблигими? Деган савол қўйилади. Бирқатор тадқиқотчилар (Л.Б.Шнейдер, Э.Г.Эйдемиллер) эр хотинларнинг бир-бирларига мос келишлари мослашув шарти ва унинг натижаси эканлигини эътироф этадилар.

Холоса шуки, мослашув натижаси сифатидаги психологик мослих эр хотинларнинг бир-бирларини билиш, бир-бирлари хулқ-атворларини тўғри баҳолай олиш, турмуш ўртоғи кайфиятини аниқлай олиш малакаларини ривожлантириш борасида биргаликда иш олиб боришлари жараёнида юзага келиши мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Узаков Х., Гозиев Э.Г., А.Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2009. – 128 б.
2. Шихиров П.Н. Современная социальная психология. – М.:ИП РАН; КСП; Академический проект, 2010. – 448 с.
3. Шнейдер Л.Б. Основы семейной психологии. М., 2013. – 341 с.
4. Эйдемиллер Э.Г., Юстицкис В.В. Психология и психотерапия семьи. –СПб.: Изд-во ПИТЕР, Серия “Мастера психологии”, 1999. – 656 с.

---

## ОРГАНИЗАЦИЯ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА НА ОСНОВЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ ТЕХНОЛОГИИ

**РАХМАНОВА А.Х.**

Заведующая ГОРОНО г. Навои, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

**Аннотация:** В статье освещены вопросы использования новых образовательных и информационных технологий, предполагающих реализацию требований Национальной программы по подготовке кадров в Республике Узбекистан.

**Ключевые понятия:** педагогический процесс, образование, инновационные технологии, реализация, гармонически развитая личность.

Широкое использование новых образовательных и информационных технологий, предполагают реализацию требований Национальной программы по подготовке кадров в Республике Узбекистан. Для анализа педагогического труда требуется знать показатели-критерии педагогического мастерства, которые помогают учителям-мастерам эффективно осуществлять педагогический процесс.